





## БИЗ БУНЁДКОРМИЗ

БОШҚАРМАНИЗ ташкил этилганга 20 йил бўлди. Шу давр мобайнида областнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида экинчи даражадаги ўрinni эълан қилди. Бу давр мобайнида областнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида экинчи даражадаги ўрinni эълан қилди.

Умуман, коллективизм ана шу йиллар мобайнида 137 километр узунликда каналлар қуриб, унинг бетонлаштирилди. Бундан ташқари, хўжаликларро ва айрим колхоз-совхозларга қарашли участкаларда 1300 километр узунликда ариқ қазилди, 14 мингга сув ишооти барпо этилди, 250 га яқин кўприк қурилди, 330 минг кубометр темир-бетон ётқизилди ва бошқа ишлар амалга оширилди.

Коллективизм ўзининг машаққатли ва шарафли меҳнати билан обшаста қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришга озми-кўми ҳисса қўшаётганлиги билан ченсиз фахрланади. Шунинг учун ҳам ақсиз ишчиларини амалга оширишимиз керак. Коллективизм бунинг ушадасдан тўла чиқиш учун шу кунларда эришга қайтарилган руҳ билан меҳнат қилмоқда.

Х. БОЙМАТОВ,  
Тошкент сув омирори қурилиш-монтаж бошқармаси ходими.

Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номи колхоз иқтисодий жиҳатдан заифлашиб қолди. Плани бажармаслиги одат тусини олди. Бу ҳол колхоз коммунистларини ташвишга солди. Улар партия йилгида колхоз правленийи ва партия ташкилотининг хўжаликка ютуғи раҳбарлик қилаётганлиги, партиянинг ташкилий ва сиёсий ишлар савияси бўлиниши, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани ташкил этиш, колхоз мулкни қўриқлаш ва уни қўлайтириш учун кураш нормаларига амал қилмаслиги ҳолларини қаттиқ танқид қилди. Айниқса, колхоз раҳбарлари, айрим мутахассисларнинг бебошлиги билан иш тутишлари рўй-роқ оқиб ташланди. Ҳудди шу кунги йилги ишчи-қўшнлар, ишлаб чиқаришни бошқаришда бўшқонлик қилаётганларни ўз вақфаларидан четлатишнинг талаб қилди. Кўпчилиги истаги ниобатда олиниб, колхоз правленийи раислигига шу хўжалик инкисери ўртоқ Қ. Ирисбоев, партия комитети секретарлигига Т. Давиров номиди қўрсатилди.

Янги сайланган правление ва партия ташкилоти КПСС XXIV

## КОММУНИСТ ИБРАТИ

## ПАРТИЯ ТУРМУШИ

сўзиди қарорларига амал қилиб, ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ кадрларни тўғри таллаш ва уларни жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор берди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг давлатга сотиш юзасидан йиллик план топириқларини бажармай келаётган айрим бригадалар бошлиқлари, ўз вақфаларига бепарволик билан ёндошаётган мутахассислар ишдан бўшатилди, ишчан кадрлар билан алмаштирилди.

Ғалаба этиштирилган йилдан йилга кайиниб, кетаятган эди. 1972 йилда давлатга дон сотиш йиллик плани 62,4 процентга бажарилган эди, холос. Бу коллективда меҳнат интизомини бўшатиб юборган Ш. Жайловбоев бригадирлигидан бўшатилиб, ўрнига суяғи меҳнатда ютган тадбиркор деҳқон Т. Қолиқулов тайинланди. Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилида

давлатга дон сотиш юзасидан белгиланган йиллик план 158,3 процентга етказиб адо этилди. Қолоқ коллективлардан бири ҳисобланган 2-сабзавотчилик бригадасида А. Рустамов ўрнига К. Расулов бригадир этиб тайинланган, мазкур бригадалар ҳам планини 105,3 процент бажарди.

Чорвачиликка ҳам эътибор қўйилди. Сўт-товар фермасида социалистик мусобақа шартларининг ўз вақтида бажарилиши, илгирларини моддий ва маънавий рағбатлантириш — маҳсулот этиштиришда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлади. «Коммунист Гулбан ола Мусуллоева» андиликда колхоздаги эмас, район сўт соғувчилари орасида юқори кўрсаткичга эришди. Меҳнатда коммунистик мусобақат намунасини кўрсатаётган бу соғувчи ўтган йили планга қўшимча 17 тонна сўт соғиб топ-

тирди. Бунинг учун у 2 минг сўм қўшимча иш ҳақи олди. Фермадаги Анаш Мирзабекова, Турди Ашрибоевлар ҳам ҳалол меҳнатлари туфайли эл орасида хўрмат-эътибор қозонишди. Жун топириқ йиллик плани 142, сўт 148, туҳум топириқ плани 165 процент бажарилди.

Коммунистларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олиниб борилди, амалга оширилган тадбирлар бир қатор ютуқларни қўлга киритишга ёрдам берди. Давлатга сабзавот топириқ йиллик плани 111, дон 158, пилла 115, мева 121, уғум эса 104 процентга етказиб адо этилди.

Шунга қарамай хўжаликнинг базис тармоқлари борли, ҳали ҳам алоҳида эътиборни талаб этмоқда. Масалан, картошка этиштириш белгиланганидан қимматга тушмоқда. Планкалар остида сабзавот

чиқариш участкаларида тез-тез лекция, суҳбат ҳамда савол-жавоблар ўтказиб турибдилар. Оммавий сиёсий ва тарбиявий ишлар хўжалик ҳаёти билан чамбарчас боғлаб олиб борилади. Навбатдаги бўлиб ўтган партия ўқув машғулотига пропаганда Д. Нурматов хўжаликда сабзавотчилик бўлини беш йиллик плани бажарилиши колхозчиларини иқтисодий томондан аниқлаб қилиб берди. Яъни, ўтган йилги этиштирилган ошқича маҳсулот ҳисобига 1972 йилдаги лангчиликлар ўрни тўлдириб юборилганлиги, кейинги йили бил давомида бу йилгидек самарали меҳнат қилинса, сабзавот ишлаб чиқариш бўлини белгиланган беш йиллик план ўришларини ва қўшимча юз тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти борлигини тингловчиларга ишончли далиллар асосида тушунтириб берди.

Хўжалик аъзолари бутун куч ва ғайратларини беш йиллик плани ортиси билан адо этишга қаратмоқдалар.

Т. ҲАКИМОВ.

Бўстонлиқ районидаги «Коммунизм» учун газетасининг редактори.

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ



- ЮБИЛЕЙГА МЕХНАТ СОВҒАЛАРИ
- МАШИНАЛАР МАВСУМГА ШАЙ
- ҚУРУВЧИ-МОНТАЖЧИЛАР МАРРАСИ
- ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА
- КУН ТАРТИБИДА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ

## КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Чиноз районидagi Киров номи колхоз паррандабондарлари янги йилда дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар 13 минг донга ўрнига 16 минг донга туҳум тайёрлаб биринчи квартал планини бажардилар.

С. Раҳимов номи колхоз чорвадорлари гўшт топириқ ярим йиллик планини адо этидилар.

Чорвадорлар давлатга 14 тонна гўшт топириқлар. Топириқдан қорамолнинг ҳаммаси юқори сезимлида қабул қилинди.

Р. ХОЛДОРОВ.

## МОҲИР ТОКАРЬ

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг Оққўрғон район бўлими тоқари Владимир Емельянов фидокорона меҳнат қилиб, икки ойда 2 та чопиқ тракторини, 2 та пахта териш машинасини ва бошқа бир қанча агрегатларни сифатли ремонтдан чиқарди.

Ленин комсомол аъзоси, 4-разрядли тоқарь В. Емельянов баҳорги экин кампанияси бошлангунча қадар яна 2 та чопиқ ва 2 та ҳайдон тракторини ремонтдан чиқаришга қаражат қилмоқда.

## ТЕХНИКА ТАХТ

«Оққўрғон» совхоз механикаторлари КПСС Марказий Комитетининг Муржаатига жавобан астойдил меҳнат қилиб, техника ремонтини районда биринчи бўлиб тугатдилар. 36 та ҳайдон, 60 та чопиқ трактори, 48 та чигит экадиган селка, 23 та чилез ва бошқа техника воситалари мавсумга шайлаб қўйилди.

Пахтакорлар бу йил давлатга 12.150 тонна пахта топириқ, ҳосилдорлигини гектар бошига камида 35 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Б. ИҶЛДОШЕВ.

## БЕКБОД — КУРКАМ ВА ОБОД

Яшаб турган шаҳрини таққил олоб, кўркам бўлса қишлоқ диниғиз чоғ бўлади. Бекбодликлар совибли шаҳарларини йил сайин оқиб қилиш боради катта ишларини амалга оширмоқдалар. Шаҳар Совети ва унинг иқроия комитети аҳолининг эътиборини шаҳарини озода, кўркам, ҳар жиҳатдан обод шаҳарга айлантириш масаласига ҳам кенг жалб этмоқда.

Иқроия комитет шаҳарини ободлаштириш йилида доимий комиссия ақтив фаолиятига таянади. Шаҳар Совети ҳузуридаги ободлаштириш ва коммунал хўжалик доимий комиссия аҳолини майдон, йўл ва йўлқалар, ариқларни ремонт қилиш, кўча бўйларига манзарали дарактлар ўтказиш ишига жалб қилмоқда. Бу ишда корхоналар, мамолат ташкилотлари, маҳалла аҳолиси ақтив қатнашади.

Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳарини ободлаштириш учун ҳар йили катта-катта маблағлар ажратилди. Кейинги уч йил ичида маҳаллий бюджет ҳисобидан 700 минг сўм корхоналар, ташкилотлар ёрдами билан 800 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. Бу ишларда доимий комиссия аъзолари ғайрат ва ташаббус кўрсатди. Мазкур маблағлар ҳисобига узунлиги 14 километрдан зиёд, йўл асфальтланди. 22300 квадрат метр йўлга қурилади ва ремонт қилинди. Янги қазилган ва ремонт қилинган ариқларнинг узунлиги 7900 метри ташкил этади. Ариқ ва йўл бўйларига 172400 манзарали ҳамда мевали даракт экилди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган йили 50 йилги шарафига Сирдарё соҳилида 14 гектар майдонда Гагарин номи билан аталдиган маданият ва истироҳат боғи бўлиб этилати. Шу кеча-кундузда бу ерда комплекс қурилиш ишлари олиб борилади. Бу боғ асосан корхона, ташкилотлар коллективни, маҳаллалар аҳолисининг кучи билан барпо қилинади. Бу ерда 150 ўринли чойхона, 400

ўринли таъми майдончаси, қайиқ станициси, ҳибонлар, гулзорлар ташкил этиш ишлари ироҳасига етиб қолди. Шунингдек, дарё қирғида 800 метр узунликда йўлга ва унинг бўйида пинам кафе қуриш ишлари тугалланди.

Ободлаштириш ва коммунал хўжалик ишлари бўйича шаҳар Советининг доимий комиссияси Совет сессияларига ҳамда иқроия комитет муҳокамасига шаҳарини ободлаштириш, тозалаш, санитария ҳолатини яхшилаш масаласига қаратилган масалаларни ҳавола қилди. Депутатлар шаҳар Советининг сессиялари ва иқроия комитетининг қарорларини амалга ошириш учун курашадилар.

## ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Ўтган 1973 йили доимий комиссия шаҳарини қишга қандай тайёрларини кўраётганини текширди. Бу масала юзасидан ўзининг муҳокамаларини шаҳар Советининг навбатдаги XII сессияси муҳокамасига қўйди. Сессия қабул қилган қарорда шаҳарини иситиш тармоқлари хўжалиги, цемент комбинати, гишт заводи ҳамда уй бошқармаларининг маъмуриятларига қатор топириқлар юкланган эди. Мазкур қарорни қандай бажариладиганини комиссия аъзолари октябрь ойида текшириб қўришганда шу нарса маълум бўлдики, юқоридagi корхоналар, уй бошқармаларидаги раҳбар ўртоқлар бу масалага масъулиятсизлик билан қарашган.

Иситиш тармоқларини қишга тайёр қилиб қўйишмаган. Аниқлашб жиддий камчиликларни комиссия, ўз йилги йилида қаттиқ танқид қилди ва уларни тезда бартараф этиш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширишни уқтирди. Иситиш тармоқлари қишга бекамикўст тайёрлаб қўйилди.

Шуни айтиш киёоки, комиссия 1973 йилда шаҳарнинг

коммунал хўжалиги, тозалаш ободлаштириш ва санитария ҳолатини янзада яхшилашга қаратилган 27 та масалани иқроия комитет муҳокамасига қўйди.

Шунингдек ҳар йили шаҳарининг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан олийқлар ўтказиб турилади. Бунда доимий комиссия аъзолари фаол қатнашадилар, мавсумий штаб аъзолари билан рейдлар ўтказадилар.

Улар коммунал хўжалик маҳалла комитетлари, санитария-эпидемиология станициси ходимлари, ички ишлар бўлимининг инспекторлари, участка вакиллари билан яқин алоқа боғлаган ҳолда иш олиб боришмоқда.

Умуман, шаҳарини ободлаштириш, ҳар жиҳатдан кўркам қилиш ва ялнатиш масаласи ҳамма депутатларнинг диққат-эътиборидир. Бу борада астойдил жон қуйибди катта ташкилотчилик ишларини олиб бораётган депутатлар кўпбало топилади. Жумладан шаҳар Советининг депутатлари — М. С. Анаев, М. М. Қирмач, А. С. Балашова, Р. А. Бикова, У. Селаметова ва бошқаларнинг юмларини ҳўрмат билан тили олса арзийди.

Шуни қўвонч билан айтиш керакки, кейинги уч-тўрт йил ичида шаҳрини қиёфаси ўзгариб кетди. Янги муқташам бинолар қад кўтарди, гузар жой масжидлари, кўчалароор майдонлар, боғлар, гулзор ва бульварлар, сол-салқин ҳибонлар бўлиб этилди. Бу ишда, шубҳасиз, депутатларнинг ҳиссаси каттадир.

Шаҳар Совети меҳнаткашлар депутатлари айниқса, доимий комиссия аъзолари Бекбодни номига муносиб янзада обод шаҳарга айлантириш учун бундан бўён ҳам меҳнаткашларнинг катта кучига таянган ҳолда бутун куч ва ғайратларини аямай курашаверадилар.

М. АЛИЕВ.

шаҳар Советининг ободлаштириш ва коммунал хўжалиги бўйича доимий комиссиясининг раиси.

## СЎЗИМИЗ ҚАТЪИЙ

Совхозини чорвадорлари тўққизинчи беш йиллик планини тўғри бажариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар 1973 йили ғалаба билан ақунладилар. Қорамоллар сови пландаги 550 беш ўрнига 574 бошга етди. Хар сиғирдан 2508 литрдан сўт соғиб олиниб, пландан ташқари 240 тонна сўт этиштирилди. Бундай ютуққа мол-боқарларнинг, сиғир соғувчиларининг фидокорона меҳнатлари, зоотехника қондаларига амал қилиб ишлаётганлари туфайли эришилмоқда. Раҳим Усмонов, Абдували Хидиров, Нисебек Чипалиев, Турғун Серикбоев, Марғуба Тешабоева, Шоира Қўшаева, Вера Смаилова, Нишон Рихисиев қаилар шулар жумласидир.

Фермаида 200 беш сиғир бор. Коллективизм сиғирлар совини 220 бошга, қорамолларни 580 бошга етказиш, ҳар 100 беш сиғирдан 100 беш бузоқ олиш, 166 тонна гўшт, 590 тонна сўт этиштириш учун мажбурият қабул қилдилар. Чорвадорлар республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини катта меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун барча куч ва резервларини ишга солмоқдалар. Ваъда бердикки, албатта устидан чиқаримиз.

З. ШАМСУТДИНОВ.

Калинин районидagi «Қорасу» совхозининг бош экономисти.

## ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

Янгийўл район ОБХСсининг ходими Мамаюн Сатторовни област ички ишлар бошқармасига қақиршиди. У етиб келганда бошқарма ОБХСС нинг районларро инспектори Қорабой Тўрабоев ва яна икки киши кутиб ўтиришарди. Мамаюн билан салоомлашга бошлиқ мақсада кўчдан. Уртаовулдиги гўшт комбинатидан қандайдир эгри кўлар давлат мулкига куз олайтиратганлиги туғрисида аниқ маълумот олди. Тезда бу жиноятни феш қилиб, унга барҳам бермасан газан олиб кетишим мумкин. Вақт эди. Масала эса жиддий, хўшбўли билан аниқ ҳаракат қилиш лозим.

Группа аъзолари операция плани билан таништирилган, уларнинг ҳар бирига аниқ топириқлар берилди. Улар тунги соат 12 ларда гўшт комбинати ақинидаги мўлжалдаги жойга етиб келишди. Орадан ярим соат чамаси ўтган ингил машина Уртаовул томондан «Коммунизм» колхозга томон ўтиб кетди. — Шу машина қараш керак эди, — деди группа бошлиғи. Ленин, вақт ўтган эди. Машина катта тезликда бўлиб қўлиб этиш учун имконият ҳам йўқ эди.

Ҳаммаёғ жимикти. Аммо Тўрабоев ва унинг группа аъзолари тунини унутмас ўтказишди. Тонг ариша бошлади, Улар шубҳа қилишган эшини кузатишарди.

Шу пайт 14—15 ёшлар чамасидаги бола велосипед билан эшикдан чиқиб бироз юргач милиция машинасини кўриб дарҳол орасига қайтиб, унга якириб кетди.

Бола уй аъзоларини оғоҳлантириб қўйса операция барбод бўлиши мумкин. Группа бошлиғи ишни бошлаш ҳақида кўрсатма берди. Белгиланган экин тақиллатилди. Ичкиридан 50—55 ёшлар чамасидаги айл қириб,

милиция ходимларини кўриб оёқки кўллари қалтирай бошлади. Чунки милициял ходимларини эмас, у ўз минорларини кутган эди.

М. Сатторов уй эгасидан кулфлоглик урни очиниш илтимос қилди. Олдинига балад келиб прокурорнинг урни тинтув қилиш ҳақидаги руҳсатномасини талаб қилди. Қаршиллик кўрсатиш бейфойда эканлигини сезгач, эшини оқди.

ОБХСС ходимлари янглишмаган эдилар. Янги сўйилган кўй, думбалари осиб ташланган эди.

Егларни ким, қаердан, қачон олиб келган деган саволларга уй эгаси Бувиҳалила Мажитова аниқ жавоб бермас, милиция ходимларини чағитишга ҳаракат қилар эди.

Тунда ўтирилган 208 килограмм думба ёғ комбинатининг тайяр маҳсулотлар омирорига қайтарилди. Уни ўтирилганда иштирок этган Тошкент шаҳар, Канатовская кўча 8-йўлда яшовчи, гўшт комбинатининг мол сўйиш цехида ёгларни қабул қилиб олувчи торозбон Раҳматилла Исроил, шу цехнинг тозаловчиларидан Малика Асомова, Уринхон Одилова, ерданчи ички Расул Мухиддинов ва бошқа айрим эгри кўларнинг сирлари феш бўлди. Дастлабки тергов вақтида думба ёғнинг ҳар килограммининг ўғирлаб чиққан шахслар уй эгаси Б. Манитовага 2 сўм 50 тийиндан сотишлари, олган пулни эса ўзаро тақсимлаб олишлари аниқланди. Давлат мулкига чам солган бу техникхўрлар қилмишларига яраша жавоб берадилар.

Т. ЮСУПОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



## УРУҒЧИЛИК КОЛХОЗИДА

Орхонинидаги районидagi «Коммунизм» колхозини сабзавот, полив экинлари уруғчилиги билан шуғулланади.

Колхозда бундан уч-тўрт йил аввал теплица хўжалиги сўст ривожланганлиги учун кўчатлар қўшни хўжаликлардан сотиб олишарди. Бу эса мўл даромад олишга салбий таъсир кўрсатарди.

Теплица хўжалиги яхши йўлга қўйилган, колхозда ишлар юришиб кетди.

Дастлабки йилларда уруғларни янчиш, саралаш ишлари кўлда, оддий усуллар билан бажарилади. Меҳнат унумдорлиги паст эди. Кейинги йилларда бу ишлар техник ахммасига юклатилди. Бу машиналар «Узсельхозтехника»

район бирлашмаси ёрдамида Чеченовакия ва бошқа социалистик мамлакатлардан сотиб олинди. Ҳозир бу мукамал техника сабзавотчиларга катта ёрдам бермоқда.

Хўжалик янги техника билан қуролланганлиги сабабли йиринк уруғчилик колхозига айланди. Ўтган йили 14,9 центнер карам уруғи, 880 центнер пиез, 40,5

центнер бодринг, 22 центнер қорун-тарвуз, 3,6 центнер помидор уруғлари давлатга сотилди. Янми колхоз бўйича 102 тонна сабзавот ва полив экинлари уруғи этиштирилди.

Шу билан бирга хўжаликда сабзавотчиликдан мўл ҳосил олишмоқда. Т. Ҳониев бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 5 центнердан пиез уруғи йиғиб ол-

дилар. А. Набиев бригадаси эса 40 гектар ердаги помидорнинг ҳар гектаридан 22 ўрнига 51,5 тоннадан ҳосил олиб юқори кўрсаткичларга эришилди.

Шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Каримахон Абдуллаева бошлиқ 6-бригада, эса 15 гектар помидорнинг ҳар гектаридан 50 тоннадан ошириб кўрсатиш помидор топириди. Этиштирилган уруғ ҳам аъло сифатга қабул қилинди.

Хўжаликда мўл даромад олинаётганлиги туфайли ҳар бир иш кўнига 4 сўм 50 тийиндан пул тақсимлаш мўлжалланмоқда. Колхоз қишлоғи қиёфаси ҳам гўзаллашиб бормоқда. Сўнгги йилларда 360 хонадон янги турар-жойларга қўиб қирдилар. Қиш-

даги хонадонларнинг 70 процентини табиий газ билан таъминланган. Шу йил ичида барча хонадонлар табиий газ ва водопровод суви билан таъминланган.

Колхоз аъзолари шу кунларда беш йилликнинг тўғрини йили ҳосил учун катта тадбирларни кўрмоқдалар. 11 та трактор араси, 2 та юк машинаси, ўнг тақиб билан банд Ариқ-зовурлар тозаланимоқда. Колхоз аъзолари республикамизнинг бейбей йилни меҳнатда катта совғалар билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

А. НАБИХҲАЕВ, Ж. АБДУЛЛАЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Йўл назорати инспектори Га-липа Сопова номини ички ишлар бошқармасида ҳўрмат билан тилига олишадилар. Кўча ҳаракати қондаен тартиб бузувчиларини ёқтирмайди. Пуш-тинлар ва Жуковскин кўчаларида Г. Соповани ҳар доим постида хўшёр ҳолда турганини кўрасиш.

В. Таран фотоси.

# Исхон ЯНГИЛИКЛАРИ

## МЕХНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ КЎЗАЛА

ГЕНУИ, 10. Бутун Генуида Италия ишчи-коммунистларининг VI конференцияси ўзининг тугаллиги. Конференция иштирокчилари олдига Умумиталия меҳнат конфедерацияси Бош секретари Л. Лама нутқ сўзлаб, касабасоюзларнинг меҳнаткашлар манфаатини йўлга қўйишдаги ишлари ҳақида таъриф берди.

## М. ЖОБЕРНИНГ ВИЗИТИ

ПАРИЖ, 10. (ТАСС). Франция ташқи ишлар министри М. Жобер уч кунилик Ироққа қил-

ган расмий визитини тугаллаб, шабаб кўчи Парижга қайтди. Бағдодда бўлиб ўтган музокира-ларда икки томонлама Франция-Ироқ муносабатлари, шунингдек шу кеча-кундузда рўй бериб турган энергетика ҳақиқатлари ҳамда нефть шилаб чиқарувчи ва нефть истеъмол қилувчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар кўриб чиқилди.

## УРУШ ЕТКАЗГАН ЗАРАР

ҚОҲИРА, 10. («Правда» махсус мухбири). Мисрнинг иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи ташкилоти Исроил агрессияси натижасида мамла-

кат кўрган зарарини ҳисоблаб чиқди. «Ал-Ахром» газетасида босилган маълумотга қараганда Суэц каналининг ёнидаги ҳамда айрим зонасининг айрон этилиши натижасида Миср 1 миллиард 200 миллион Миср фунти йўқотган. Яна 750 миллион Миср фунти Исроил босқинчиларининг Синай ярим оролидаги нефть қуварларини босиб олганилиги оқибатида бой берилган. Саноат секторига кўрилган зарар ҳақидаги маълумотлар ҳали тўғалгангача йўқ.

## ИШЧИЛАР НАМОНИШИ

ЛОНДОН, 10. (ТАСС). 270 миң аъзога эга бўлган Англия ишчилари миллий касабасоюзининг мажлисидаги буюм ишчилар бугун умумий забастовкага бошладилар. Улар ҳукуматдан иш ҳақини ошириш, меҳнат шартининг яхшилашсини талаб этмоқдалар. Миллий касабасоюз ташкилоти барча инглиз меҳнаткашларига мурожаат қилиб, қончиларнинг ҳаққоний курашларини қўллаб-қувватлашга чақирди.

# Тўртликлар

Инсон умрини беазаги ҳам билимдир, Ҳаёт кўрки, тилиги ҳам билимдир. Ўқимасдан ўзини умумтоз айлаган Баъзиларни кўриб, қалбим тилимдир.

Оқшом кўкка узоқ тиклидим, Теламда порларди сенинг юзладинг, Кошкинди жонингга бошимда ҳар вақт, У ёруғ юлдузмас, турсанг сен ўзинг!

Ел еларкан баҳор айёми, Нав — ниҳоллар бугунда гул. Чўқур ўйлаб, ўқидим дунёни, Гудан экан олам ҳам буткул.

Тўхтатма ўқини етар, деб билим, Ҳовузга қараганда тўхтаганда лим — лим, Ариқдан пайдарпай суз оқмаганда, Қақраб, ҳовуз бағри бўларди тилим.

Иқлимнинг яширган шу қўл, Элга қадрим оширган шу қўл, Дўстларимни қадрдон айлаб, Илҳомини тоширган шу қўл.

Шамси ОДИЛ

# Қиш кечаси...

Қиш кечаси. Келгин дугонам, Дилларимиз ёзайлик бироз. Бизнинг шодлик тўлган дилларга

Балки рубоб бўлар жүрвога, Қиш кечаси... қара, пойинга Тўшаминдир бегубор оқ қор. Сукунатга қўқиниб табият, Унинг қача гузаллиги бор! Қиш кечаси... ажиб манзара! Келтиригиз менга бир қалам, Табиатдан, қордан шешиб бита, Баҳор чоғи эсайлик ҳар дам. Қиш кечаси... келди, дўстим! Бахтимизни қўйлагини жўшиб Бизда меҳнат толе ёлма — ён, Барин қўйла қўшқига қўшиб.

Зухро СУЛТОНАЛИЕВА

# ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ГИЛАМ ТУҚУВЧИ ЭРКАКЛАР

Ажабланманг, Ҳиндистонда шунақа, гиламни асосан эркаклар тўқийди. Айтишларига, Бобиринг қабридан шундай Акбар Ҳиндистонга Эрон ва Туркиядаги машҳур гилам усталарини таклиф этган экан. Усталар кейин гузал ҳинд қизлар

рига мафтун бўлиб, шу ерда қолиб кетган. Ушбу вақтда бошлаб Ҳиндистонда гилам тўқиш санъати ривож топган. Ҳозир ҳам Ҳиндистонда эркаклар гилам тўқийди. Эрон ва Туркияда эса бу иш билан аёллар шуғулланган.

## «ОЛТИН» ДЕВОР

Шри Ланка полицияси таъқиб остига олган шубҳали контрабандистлар уйи тинтув қилинганда шундай деворларнинг ҳам сичқилдек текширишлар қилинган. Ган шундан, тилла, қумуш ва қора дори қабилар

нинг қўли бозорда нархи ошганча сувоқлар экни алоҳида келтирилган қорилган қоринчалар орасида сақланган экан. Энди иккинчи ёрған контрабандистлар ўз тактикаларини ўзгартиришга уринмоқдалар.

## «ТЕЛБАЛИК ЛУҒАТИ»

Яқинда Францияда «Телбаллик луғати» номи билан галактик бир китоб чикарилди. Мазкур луғатда ўтмишда турли-туман китобларда гўё муаллифининг донолик намунаси сифатида эълон қилинган, аслида эса таомилла ақлга энд фикрлар келтирилган.

Жулидан, луғатда француз маршали Мак-Магоннинг қўйида «Фикри» келтирилган: «Тиф безағи шундай дахилатли бир касалликдир, унга чалинган бемор ё ўлади, ё жинни бўлиб қолади. Мен бунин билан, негаки ўзим ҳам худди шу касаллик билан оғриганман».

лан ўтган биринчи кун мусобақасида «Звезда» командаси 8:5 ҳисобида ғалаба қозонди. Урашувнинг иккинчи кунинда «Бинокор» командаси ўзини янча тўтиб олди. Ҳоккейчилар ҳаммаида билан кескин ҳаракат қилиб «Звезда» командаси устидан 4:3 ҳисобида ғалаба қозонди.

«ПАХТАКОР» ШАЙЛАМОҚДА «Пахтакор» футбол командаси ҳозир Термиз шаҳрида янги мавсум олдидан ўз-ўзларини тайёрлашда бўлиб қолган. Биринчи бўлиб ўрашувни дастлаб «Пахтакор» командаси билан қилиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Асосий состав ўрашувини ҳам қилишган ўтди. Пахтакорчилар «Памир» дарвозаси олдига бир неча бор ҳаффили вазиятлар тўғрисида. Ниҳоят «Пахтакор» ҳужумчилари Ҳадидияев, Федоров ва Исоқов рақиб дарвозасини илғол этдилар. Ҳақ тўла душманликлар бир тўп билан жавоб қайтарилди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ

лон хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юрталари бўлимлари — 839050. Совет қўрилиш маъини хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045, хўжалик ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Ўзлонлар бўлими — 838142, коммутор — 830249 дан 830258 гача.

# ҚУШЛАР ПАНОХ ИЗЛАЙДИ



ат ошқилари кўп экан. Улар жамоатчи овчилар ёнига кириб қўшлар ва ёввойи ҳайвонларни қиш чангалидан омон сақлаб қолиш тадбирларини кўра бошладилар. Тоғ ва ўрмон «эга»ларига 18 тонна озуқа етказиб берилди. Бу ҳайвонларнинг энди тоғ ёнбағридаги ҳўжаликлар давом эттиришмоқда.

Область овчилар жамаиятининг ҳозир 20 миңдан ортиқ аъзоси бор. Улар табиатни қўриқлашда, табиий бойликларни қўлайтиришда актив иштирок этмоқдалар. 126 жамоатчи

инспектор ҳам улар билан бирга. Инспекторлар ов нормасига қатъий риоя қилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Нобой қўшлар ва ҳайвонларни оғлаб боқилин қўлашга уринаётган браконьерларни ушлаб излаш қилмоқдалар, тегишли чорасини кўрмоқдалар.

Табиат билан дўстлашган овчилар жамоатчи инспекторлар хиссаси билан қирғовул, қалқин каби қўшлар кейинги ороларда ҳозир 3 миңга, Ақча ов ҳўжалигида 2 миңга қирғовул боқилмоқда. Яқин келгусида Ариасойда ҳам қирғовулларнинг қўвонч сайроғи аштирилди. Ўтган йили бу ерда 30 та қирғовул қўйилди. Улар ҳозир секин-аста ўзидан қўлаймоқда.

Бу йил табиий қўриқхоналаримиз бағри яна ҳам кенгайди. Ҳа дейай. Пискомда 11 миң гектарлик қўриқхона ишга туширилди. Қўриқ бағрида айни, ёввойи эчки каби ҳайвонлар, қирғовул, қалқин каби паррандалар қўлайтирилди. Чорвоқ деңгизи эса яқин беш йилда балчиқларнинг энг беивамли жойига айланган. Ҳозир бу ерда турли хил балчиқлар урғинилмоқда.



Қирғизистоннинг Оларча тоғлари орасида республикада биринчи ҳисобланган табиий парк ташкил қилинмоқда. Парк 20 миң гектарга яқин майдонни эгаллаб, келгусида меҳнаткашларнинг йирик дам олиш зонасига айланади. Суратда: табиатни муҳофаза қилиш республика жамаияти инструкторлари Ф. Тимченко ва М. Филанко янги паркка қирғовулларни қўйиб юборишмоқда. Ф. Лазарев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

# Реклама ВА Эълонлар

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.10 — ТОШКЕНТ. 18.20 — Мультифильм. 18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатуви. 19.00 — Янмиш мўли — ўлка гули. 19.30 — Танбур тароналари. 20.00 — «Ахборот». 22.00 — МОСКВА. «ВАКТ». 22.30 — Хоккей: ЦСКА — «ДИНАМО». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.10 — МОСКВА. 18.40 — Инглизликлар. 19.05 — Ўшлар иншоиди. 19.35 — Кўғирчоқлар мағазинида. 19.55 — «Жасорат». 20.25 — Бадий фильм: 21.30 — Концерт. 22.00 — ТОШКЕНТ. Қишлоқ хўжалиги билан табиий телевизион халқ университети. 22.30 — Киносурат. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент телекўрсатувлари. 19.15 — Хўжалик фильм. 19.35 — Ўқув кўрсатуви. 20.15 — Илмий-оммабон фильм. 21.05 — Фильм-концерт. 21.30 — Телеспектакль.

# ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/II да Кармен.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/II да Абу Райхон Беруний (соат 17.00 ва 20.00 да бошланади), 13/II да Парвона.

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/II да Ҳалима, 14/II да Жон қизлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «Ш ГВАРДИЯ» ТЕАТРИДА — 12/II да Беш кун, 13/II да Биринчи бўса.

# КИНО

Еввойи қалб — САНЪАТ САРОНИ (нундуз ва кечкурун).

Ютазилган уйин — «ДРУЖБА»

(тоқ соатларда). «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (икуфт соатларда), «МИР» (нундуз ва кечкурун).

Шаҳарлар ва йиллар — «МОСКВА», «ВОСТОК» (нундуз ва кечкурун).

Унутилган кечув сирини — «ЭЗБЕКИСТОН» (икуфт соатларда), С. РАҲИМОВ номли (нундуз ва кечкурун).

Оливер (12.00, 18.00), Гол еки билишнинг машаққатли йўли (13.00, 20.45) — «ЧАНКА».

Яшасин муҳаббат! (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), Майерлинг (12.00, 15.00, 18.00, 21.00) — «СПУТНИК».

Танҳо ўзинг — «ДРУЖБА» (икуфт соатларда, нундуз ва кечкурун).

Кунгабоқор — ҲАМЗА номли (нундуз ва кечкурун).

Эрамиздан миллион йил илгари — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, нундуз ва кечкурун).

Севги анатомияси — «ЭЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (нундуз ва кечкурун).

Одам-ористр — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (нундуз ва кечкурун).

# РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

12 февралда — КАРМЕН, 14 февралда — ТРАВИАТА, 15 февралда — МАСХАРА-БОЗЛАР.

16 февралда — АНДА, 17 февралда — ОҚУШ КУЛИ (нундуз), КАРМЕН (кечкурун).

20 февралда — БОҒЧАСАРОВ ФОНТИН, Кундузги спектакллар — 12.00 да, кечки спектакллар — 19.00 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

## Венгрия Халқ Республикаси

Мамлакатда енгил автомашиналар бугун талаб бошқа мамлакатлардан келтирилган машиналар ҳисобида қондирляди. Қардош социалистик мамлакатлар экспорт қилаётган машиналар четдан келтириляётган енгил автомобилларнинг асосий қисминини ташкил этади. Будапештда техника хизмати кўрсатиш ва автомобилларнинг сотиш станицияси ишлаб турибди. Суратда: «Польша фиат» номер олмақда.

МТИ—ТАСС  
ФОТОС.



# ҲАМКОРЛИК ПЛАНИ ИМЗОЛАНДИ

ИСЛОМОБОД, (ТАСС). Расмий визит билан бу ерга келган СССР Маориф министри М. А. Проппов билан Покистон таълим министри А. Пирзода 1974—1975 йилларда Покистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик планини

бугун имзоладилар. План иккинчи мамлакатнинг бир-бирларига олимлар делегациялари, театр, музика ва рақс коллективлари юбориб турлишларини, шунингдек радио, телевидение ва спорт соҳасидаги ҳамкорликнинг кенгайтирилишини кўзда тутди.

# АҚШ ХАЛҚИ МАЪҚУЛЛАМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). АҚШнинг машҳур жамоат арбоби, Америка-Совет дўстлиги миллий кенгашининг директори Р. Морфорд бундай деди: Америка халқи СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда кескинлик юмшашиб бораётганлигини маъқуладилар. Р. Морфорд айтдики, Америка жамоатчилиги АҚШдаги муайян доираларнинг Совет—Америка муносабатларини ҳар иккинчи мамлакат ўртасида савдо-сотиқнинг ривожлантиришга ҳалақат берили йўлидаги уринишларига

актив қаршилик кўрсатишни ва ҳар қандай баҳоналар билан ҳарбий ҳаражатларнинг қўлайлиги қилини қарши қўлиб олиб бормоқ керак. Морфорд Совет—Америка иқтисодий алоқаларининг нормализациялини қўшма Штатларнинг мафратларига мос бўлиб тўшади, — деди.

Америка—Совет дўстлиги миллий кенгашининг директори Чикагода В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган конференцияда нутқ сўзлади.

# Спорд

## ШАШКАЧИЛАР БАҲСИ

Калинин шаҳрида «Спартак» спорт жамаияти марказидаги совет биринчилиги учун халқаро шашка бўйича ўтказилган аёл спортчилар мусобақаси иккинчи кунини ўтказди. Урашувларда 13 иккинчиликдан 10 очко тўплаган СССР экс-чемпиони Иранда Спасская (Ленинград) биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақада тошкентлик шашкачилар ҳам юксак маҳорат кўрсатиб ўйнадилар. Пирозларда 8:5 очко тўплаган спорт мастери Халима Иброҳимовага иккинчи ўрин. 8 очко тўплаган 18 ёшли спорт мастери Озода Аҳмедовага эса тўртинчи ўрин насиб бўлди.

## ҚИШЛОҚ ПОЛВОНЛАРИ БЕЛЛАШГАНДА

Фарғонада ўтказилган қишлоқ полвонлари мусобақасини неча кунлаб қишлоқ қишлоқ томоша қилдилар. Ўғиллар устида ёшлар Ўзбекистон биринчилиги учун ўзаро беллашдилар. Мусобақаларда Тош-

кент области ёш полвонлари ҳам иштирок этди, қўшма беллашувларда ғалаба қилдилар. Вази тоифаси бўйича бўлган спортчи А. Халимов, ўрта-тўртинчилик С. Бейсенов ва А. Каракуроевлар мукофотли ўринларни эгалладилар.

## ОЧКОЛАРНИ БЎЛИШИБ ОЛИШДИ

«А» класи иккинчи группасида қатнашган хоккей командаларининг навбатдаги мусобақалари бўлиб ўтди. Бу гал Тошкентнинг «Бинокор» командаси ўз майдонига турнир пешқадами ҳисобланган Свердловскининг «Звезда» командасини қабул қилди.

Урашувнинг биринчи кунини меҳмонлар бор имкониятларини ишга солиб Хасанов қўриқлаётган «Бинокор» дарвозасини турли вазиятда муайянлаб ола бошладилар. Иккинчи бўлимда меҳмонлар устулнинг яна ҳам яқинроқ сезилди. Улар бир минута рақиб дарвозасига 4 та шайба киритдилар. Кескин спорт кураши би-

Бизнинг  
Адрес: Тошкент, Памил Восток кўчаси, 26-йил.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосари — 835885, 837916. Маъсул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлими — 831936. Саноат, транспорт ва қишлоқ бўлими — 833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлими — 835811. Қиш-

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

А—2480.  
Индекс 64834.  
Р—03222.